
31/10/2024 #Жараён БАҒДОД ТУМАНИДА ПРЕСС-ТУР ВА МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

31/10/2024 #Жараён БАҒДОД ТУМАНИДА ПРЕСС-ТУР ВА МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Аввал хабар берганимиздек, (https://t.me/bagdodim_news/46315) Фарғона вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси томонидан белгиланган режага асосан, бугун 31 октябрь куни навбатдаги матбуот анжумани ва пресс-тур (<https://bogdod.uz/site/view/news/1776>) бўлиб ўтди.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда муаммоларини ҳал этиш юзасидан амалга оширилган ишлар мавзусида матбуот анжумани ва туманимиз маҳаллаларида аҳоли томонидан амалга оширилаётган ишлар, аёлларга яратиб берилган имкониятлар ва эътибор хусусидаги пресс-тур кўтаринкиликда ташкилланди.

Матбуот анжуманида Бағдод тумани ҳокими Ғанижон Солиев, туман ҳокими ўринбосари Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Тўлқиной Тожиевалар иштирок этиб айни мавзулар юзасидан журналистларга батафсил маълумотлар беришди.

Пресс-тур ва матбуот анжумани тафсилотлари ҳақида кечки хабарларимизда батафсил маълумот берамиз.

2024-10-31 17:10:00